

ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 182 (7. 271)

1990 йил 13 август, душанба

Баҳоси 3 тийин.

Меҳнат жамоаларида

«ҲИЛОЛА»НИНГ ОДИМИ

ОЛИМ ана бундан уч йил муқаддам, яъни 1987 йили қариллик пенсиясига чиққанди. Анниқроғи, Тошкент тўқимачилик комбинатига қарашли «Текстильчик» совхозининг барча меҳнат аҳли катта ҳурмат билан уни пенсияга кузатишди. 1965 йилдан буён ҳалол меҳнат қилиб келганини таъкидлаб ўтишди. Олим ана Қосимов пенсияга чиққач ҳам тинч ўтирмади. Маълумки, кўп аёллар фарзандлари билан ўраллашиб ишламайдилар. Шунга ҳисобга олиб, кўп болали оналар учун бичиш-тишиш цехи очиб тўғри-сидоғи тақлифни директорга айтди.

Равшан Туланова бу тақлиф маъқул бўлди ва совхоздаги эски клубни инарага берди. Олим ана ишчилар билан бирга уни ремонт қилиб, цехни очишди. Цех номи «Ҳилола» деб аталди. Бу йил 15 январь куни очилган бу цехда салфетка, кўрпа-ёстиқ жилдлари, ички кийимлар тикилмоқда. Бир йиллик режа 300 минг сўм. Биринчи ярим йилликнинг ўзидея 226 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Бу, албатта, режадагидан анча кўп.

Цехда ҳозир 38 нафар хотин-қиз фидокорона меҳнат қилапти. Хоҳловчилар уларига олиб бориб тики кишилади. Ойлик маошлари ўртача 160-170 сўмни ташкил этапти. Тушган фойданинг беш фоизи чеварларга мукофот тарзида қўшиб берилади. Олим ана яна бир тақлиф билан чиқди. Қолдиқ-қийим матолардан ҳам катта фойда ола билади. Масалан, тонна қолдиқ 8 сўмга харид қилина, уни тикиб сотсалар, 3400 сўм даромад қилишаркан. Лахтанинг ўнатини наватма-қават қилса, дастоғ тозаланич бўларкан. Бошқа заводларда бунга эҳтиёж катта...

И. ҚОСИМОВ.

НУР ТАРАТУВЧИЛАР

ҲАЕТ қайнаб турган у ёки бу корхонада электр бир зум ўчиб қолишини тасаввур қилинган: ҳаммаси жим-жит бўлиб қолади, гўё бу ерда ҳаёт йўқдек туюлади.

Шунинг учун электр қувватини корхона «қон томири» десак муболага бўлмас. Корхонанинг режа-топшириқлари тўлиқ адо этилишида бу ерда ишловчи электр монтерлар, электр слесарларнинг улуши катта, албатта.

«Шарқ гули» бадий буюмлар ишлаб чиқариш бирлашмасининг 20 нафар нур таратувчилари ўзлик-сиз электр ускуналарини созлаб, корхонани электр қуввати билан таъминлашда фаоллик кўрсатиб келмоқдалар. Улар тикув машиналарига ўрнатилган кичик моторларнинг узлуksиз ишлаши, электр қувватининг тежаб сарфлашчи, аппаратлар созловини доимо назорат қилиб борадилар.

Уста электр созловчи бригадирлардан Аббос Зиёдов билан Рихсвий Шоназировларнинг яқинда ишлаб чиққан янгиликлари кўп фойда келтирмоқда. Бунда эҳтиёт қисмлар тежалмоқда, иш ҳам осонлашти, электр қуввати тежалмоқда, аппарат (ўчириб-ёқувчи) ихчамлашти. Ҳозир тақлиф ишлаб чиқаришга нег жорий қилинган.

Ҳа, бирлашма электр монтерлари ва созловчиларнинг жонқурликлари тўғрисида шу йилнинг ўтган ойларида 45 минг киловатт соат электр қуввати тежаб қолди. Бу тежалган қувват билан бирлашма 8 кун тўлиқ ишлаши мумкин.

Ўз насабининг шайдоларидан Илёс Абдужалилов, Турғун Холдоров, Николай Фокин, Холтой Турсуновлар бунга катта ҳисса қўшмоқдалар.

С. СУЛТОНОВ.

КЎПРОҚ ВА ЯХШИРОҚ ҚУРАЙЛИК

Энг муҳим ижтимоий вазифаларини ҳал этиш — жумҳурият аҳолисини уй-жой билан таъминлаш, халқ ҳужалиги янги ишшоотларини фойдаланишга топшириш — бинокорларнинг бугунги кундаги асосий вазифалари шулардан иборат. Кўб-кўр байрами — Бинокорлар кунига бағишланб Тошкентда ўтказилган йилнинг давамини шу вазифаларни бажариш йўллари ҳақида гапирдик.

Йилнинг бинокорларнинг СССР Министрлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари И. Х. Жўрабеков очди. Ўзбекистон ССР қурилиш министри Қ. Ҳ. Махаммад-левнинг матурида, йилнинг қатнашчиларининг нутқларида жумҳурият қурилиш комплексига катта структуравий ўзгаришлар рўй берганлиги таъкидланди. Ишлаб чиқаришини ташкил этишни яхшилашга, ҳужалик ҳисоби муносабатларини чуқурлаштиришга эришилди.


Биринчи ярим йилликда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан давлат капитал маблағлари ники фонд кўп ўзлаштирилди. 1,6 миллиард сўмлик асосий фондлар ишга туширилди. Топширилган ишлаб чиқариш ишшоотлари орасида Тахнатощ ГРЭСининг турбинаси ва буг қозони, Ўзбекистон металлургия заводига қора металл прокати ишлаб чиқариш қувватлари бор 3,9 миллион квадрат метр сахли уй-жой қурилди, бу йиллик планининг ярмига яқинини ташкил этди.

Айни вақтда жумҳурият бинокорлари йиллик топшириқни удалашлари учун ҳали кўп ишлашлари керак. Олдинда енгил санаот ва қайта ишлаш санаотининг бир қанча қурилишларида қувватларни ишга туширишдек катта вазифа турибди. Мақтаблар, касалхоналар, болалар боғчалари, ҳунар-техника билим юрталарини ишга туширишдаги қолоқликка барҳам бериш зарур.

Ўрнатилган ускуналар ва махсус материаллар ўз вақтида етказиб берилмаётганлиги, қурилиш индустрияси ва бинокорлик материаллари санаоти базасининг заифлиги иш жадавали барбод қилинаётганлигининг сабабларидан биридир. Қурувчи кадрлар етишмаслиги тўғрисида катта қийинчиликлар пайдо бўлмоқда. Бир маромда ишлаш шарт-шароитларини яратиш, битказилмаган қурилишлар ҳажминини қисқарттириш натижасида бу муаммоларни ҳал қилиш мумкин.

Ҳозир қурувчилар олдида бозор иқтисодиёти жараёнига қўшилишга тайёргарликни тугатишдек жуда муҳим вазифа турибди. Айни вақтда кўпгина қурилиш ташкилотлари ва корхоналар ижарага ўтиб, кейинчалик ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олишни ният қилганлар.

(ЎЗАТАГ).



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

- ЯНГИЛИКЛАР
- ВОҚЕАЛАР
- ХУШХАБАРЛАР

УЧ ҚИТЪАГА

«ПОДЪЕМНИК» бирлашмаси жамоаси тайёрлаган қудратли техникалар корхонага шўҳрат келтирмоқда. Бунга буюртмачилар кўпайиб бораётганлигидан ҳам билса бўлади.

Ҳозир корхонада тайёрланаётган юк кўтариш қўрилмалари ва бошқа бир қатор қудратли техникалар Оснб, Африка ва Америка қитъаларида фаолият кўрсатиб, ишчиларга мададкор бўлмоқда. Бу жамоа аҳлига катта маъсулият юклай ишлаб чиқариш кўламини оширишни ва сифатли қилиб адо этишини тақозо этади.

БУГУН Қўйлик даҳасида заводнинг янги бўлими фойдаланишга топширилди. Бу ерда автомат ва ярим автомат ускуналар ўрнатилб, қудратли техникаларнинг асосий бўлаги шу ерда тайёрланади.

ЎЗ ЭҲТИЁЖИ УЧУН

Ишлаб чиқаришнинг илғор усулларидан бири — ҳужалик ҳисоби бўлиб Тошкент қурилиш трестига қарашли пардозлаш ишлари бошқармаси жамоаси учун фойдаланиш бўлди. Бунинг йилнинг 7 ойлик якунларидан ҳам билш мумкин. 1 миллион 300 минг сўмлик пардозлаш ишлари бажарилиб 60 минг сўмдан ошқ соф фойда олинди.

Бошқарма маъмурияти ва касаба уюшмаси қарори билан олинган фойда пардозловчилар эҳтиёжига ишлатилди. Жумладан меҳнат таътилга чиқишда ишчига ойлик маошдан бир ярим баробар даволаниш учун пул берилади. Шунингдек, узлуksиз меҳнат кунлари учун мукофот пули — 13-маошлар тўланадиган бўлди. 60 фоизга яқин дам олиш йўлнамалари бепул берилади.

БУГУН бошқармадан бир гуруҳ илғор ишчилар Ленинград сафарига жўнаб кетдилар. Улар 7 ойлик ўзаро меҳнат беллашувига голиб чиқишган эди.

Озиқ-овқат дастури бўғинлари

БОЛ ТОМГАН БОҒЛАР ЭҲСОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетиде яқинда бўлиб ўтган кенгашида пойтахт аҳолисини мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш масаласи кўриб чиқилиб, бошқа ташкилотлар қатори Тошкент деҳқончилик — санаот қўмитасининг бу соҳадagi иши таъкид қилинган эди.

Ҳозирги кунда бу борада аҳвол қандай? Тошкентликлар дастурхони керакли ёз неъматлари билан тўлиқ бўлиши учун қандай тадбирлар қилинди? «Горгорпором» маъмури башлиги Абдусаттор Йўлдошев ЎзТАГ бўлими П. Нишоновга шундай деди:

— Тошкент вилоятидаги 44 колхоз ва совхоз билан мева-сабзавот етказиб бериш тўғрисида шартнома тузганимиз. Пойтахт ноҳияларидаги чакана-улгурчи савдо идоралари эса савдо ишларини ҳар томонлама намунали ташкил этишга мутасадди этилган. Ҳозирги кунда мева-сабзавотлар қатъий график асосида келтириб, шаҳар ноҳияларидаги ярмаркаларда сотилмоқда. Масалан, Тошкент ноҳияси Киров ноҳияси меҳнатчилари учун кишлоқ ҳужалик маҳсулотлари келтириб, Юнусов бозори ярмаркасида сотмоқ-

да. Чилонзор ноҳиясида эса Чиноз ноҳиясидан келтирилган ноз-неъматлар савдоси қизғин бормоқда. Аҳолига намунали савдо хизмати кўрсатиш мақсадида 50 га яқин сабзавот дўконлари, 500 дан ортиқ савдо шохобчалари ташкил этилди...

Табият неъматларини тошкентликлар дастурхонига етказиб беришда жумҳуриятимиздаги деярли барча вилоятлар ўз ҳиссаларини қўшишмоқда. Улар томонидан очилган ярмаркалардаги мева-сабзавотлар аҳолига маъзур бўлмоқда. Андижон вилояти деҳқон-

лари июль ойида 9 хилда 573 тонна, Сирдарё вилояти 790 тонна, Жиззах ноҳияси эса салкам 2 минг тонна қишлоқ ҳужалик маҳсулотларини келтириб сотдилар.

Ҳўш, бундай тадбирларнинг ўтказилиши бозордаги мева-сабзавот ҳамда қовун-тарвузга белгиланган нарх-навога қандай таъсир этмоқда?

Яқиндагина фойдаланишга топширилган Эски Жува бозорини шу кунларда деҳқон меҳнати сазоватининг кўзгуси деса бўлади. Тилими тилин берадиган қовун-тарвузлар, ёқут олма-ю, наватчи ноқла, ширин-шарқ узумлар кўзини қувонтиради. Бозордаги нархларни кўздан кечиришимиз. Узум, шартли 1 сўм, қовун ярим сўм, помидор 30 тийин, картошка 80 тийин, пивз эса 70 тийин.

Биз бозордаги нархларни билиб олган, мева-сабзавот ярмаркалари томон йўл олдик. Шанба, якшанба кунлари асосан Самарқанд ва Сурхондарё области деҳқонлари ўз маҳсулотларини олиб келишган экан. Норхўжаев кўчасидаги майдон эрта тонданок гавжум бўлди. Махсус машиналарга қишлоқ ҳужалик маҳсулотлари ортиб келган самарқандликларнинг қўли-қўлига тегмайдди. Пештахталарда ранг-баранг мева-сабзавотлар, ҳар ким ўзи хоҳлаган маҳсулотини харид қилиш билан овора. Икки қўлида оўзгор халталарини кўтариб олган уй бекеси Наталья Ивлеевани бир дақиқа тўхтамади.

— Нима харид қилдингиз? — Пивз, узум сотиб олдим. — Қиммат эмасми? — Йўқ, албатта. 33 тийиндан олган пивзин бозорда 70 тийин, шартли бу ерда 50 тийин, бозорда эса 1 сўм. Қовун ҳам шундай.

Шунинг ҳам айтиш кераки, самарқандликлар келтирган маҳсулотлар сифати бозордагидан қолшмайди. — Бугун 70 тонна маҳсулот

келтирдик, — дейди биз билан суҳбатда Самарқанд область матлубот сажияти комиссияси савдоси бош мутахассиси Насурullo Абдуллаев. — Мавсум охиригача 590 тонна маҳсулот етказиб берамиз, шу кунгача 300 тонна маҳсулот сотдик.

Биз шаҳримизда ташкил этилган қатор мева-сабзавот ярмаркаларида ҳам бўлдик. Юнусов колхоз бозоридagi ярмаркадан одамлар бозор халталарини тўлдириб чиқишмоқда. Мазкур бозорда Тошкент районидagi К. Маркс номли колхоздан келтирилган кишимаш ва оқ узум сотилаётган экан. Узлар ҳам сифатли, ҳам арзон. Кишимашнинг ҳар бир килоси етмиш тийин, оқ узумники эса олтинчи тийин. Урта чирчиликлар хизмат кўрсатишмоқда, деб ёзиб қўйилган расталарда эса биз 12 хил мева-сабзавот маҳсулотларини сотилаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Мазкур район тайёрлов идорасининг ходими Шавкат Юнусов аҳоли

улар кўрсатаётган хизматдан хурсанд бўлаётганлигини айтди, маҳсулот қиммати эмас: оқ шартли — 60 тийин, булғор гаримдориси — 35 тийин, помидор эса 20—25 тийин. Урта чирчиликлар шанба, якшанба кунлари қарий юз тонна маҳсулот сотдилар.

Савхатли деҳқон бобгон қўллари билан бунда келган бол томган боғлар эҳсони шаҳарликлар дастурхонини беэмомоқда.

СУРАТЛАРДА: Мирзачўлининг сазий неъматларини келтирган Оқолтин район тайёрлов идорасининг ходими Иброҳим Элмуродов ва ошкор мудир Наримон Абдуллаев; Сирдарё район тайёрлов идорасининг ходими Шўҳрат Азимов тошкентликларга дала неъматларини сотаяпти.

Р. Шагаев. (ЎзТАГ) сура-лари.



© МАТБААЧИ. «МАТБУОТ» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси 3-босмаҳонасининг илғор ишчиси Қўват Мадиев.

Т. Каримов сураги.

ШАРҚ МИЛЛИЙ УСЛУБИДА

ТОШКЕНТ ресторанининг Абдулла Қодирий кўчасида ҳам янги наҳаҳхона қурилишида монтаж ишлари низоsига етди ва бугун жиҳозлаш ишлари бошлаб юборилди. Бунёдкорлик иш-

ларини маъмур трестга қарашли таъмирлаш қурилиш бошқармаси жамоаси олиб бәрди. Ҳар иккала тамаддиҳона шарқ миллий услубида жиҳозланган.

Октябр районининг Абдулла Қодирий кўчасида ҳам янги наҳаҳхона қурилишида монтаж ишлари низоsига етди ва бугун жиҳозлаш ишлари бошлаб юборилди. Бунёдкорлик иш-

ЮК КЎТАРИШ ҚУРИЛМАСИ

БУГУН Бектемир райони ҳудудида жойлашган «Ир-гидролам» заводи жамоаси узунлиги 22,5 метр, 10 минг килограмм юк кўтара оладиган кўприк юк кўтариш қурил-масининг намуна нухасини тайёрлади.

Шундай юк кўтариш мосламаларидан 200 донга тайёрланади. Шунингдек, бу ерда янги турдаги арматуралар ҳам тайёрлаш йўлга қўйилди.

НАШРИЁТ ТУҲФАСИ

БУГУН «Ўқитувчи» нашриётида 88 номдаги дарс-ликлар босмадан чиқди. Чоп этилган китобларнинг асосий қисми ўзбек мактаблари учун мўлжалланган «Ўқиш китоби» (муаллифи — Ш. Иброҳимов), «Ўзбек тили» (муаллифи — Х. Қосимова), «Чиройли ёзув» (муаллифи — М. Ғуломов) нашрлар бўлиб, китоблар юксак дид билан безатилган, ранг-баранг расмларга бойлиги билан илгариги нашрларидан фарқ қилади.

Шунингдек чет тили бўйича VI, X, XI синфлар учун немис-ўзбек, француз-ўзбек дарсликлари ҳам чоп этилди.



© Пойтахтнинг бир куни янгиликлари билан таништирувчи Д. ОБЛАЕВ.

АДАБИЁТ ва САНЪАТ



ҚОРОНҒУ саҳна. Майн таралётган шарқона кўй садолари остида парда аста-секин очилади. Томошабин кўз олдига Шарқнинг жаҳонга машҳур мамлакатларидан бири қадимий Миср ўзининг бор гўзаллиги ила намойён бўлади. Қийғос очилган сафсар гуллар, худди икки ошдиқок кокиллари ёрилган мажнунтоллар, орқа планда эса Миср подшоҳининг бири-бирдан чиройли, ҳашаматли саройлари элас-элас кўзга чалинади. Ушбу гўзал манзарани кўрган киши худди жаннатда юргандай ҳис қилади ўзини.

Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали театрида саҳналаштирилган «Юсуф ва Зулайҳо» спектакли худди шу манзара билан бошланади.

Кейинги пайтларда Муқимий театрининг репертуари ажойиб асарлар билан бойиб бормоқда.

Театрга Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган санъат арбоби Носир Отабеов бош режиссёрлик қила бошлагандан буён жамоа фаолиятида жонлиқ сезилмоқда. Икки-уч йил бурун театр танг аҳволга тушиб қолган, томошабинлари қўнғилини хушнуд қила олмаётган эди.

Босир Отабеов шундай мураккаб вазиятда Муқимий театрга ишга келганда, У бутун маъсулятини зиммасига олиб театрининг оғир кунларида дардига малҳам бўлди.

Аста-секин саёз ва енгил сюжетли асарлар репертуардан олинди. Унинг ўрнига ўттир сюжетли, томошабинга маънавий озиқ берувчи, ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган асарлар қўйила бошлади.

Шулардан бири «Юсуф ва Зулайҳо» томошасидир.

Ўзбекистон ССР халқ шоири, СССР Давлат мукофоти совридор Рамз Бобожо-нининг мазкур асари театрининг бадий кенгашида театршунослар, ёзувчилар, адабиётшунослар, шоирлар ва санъаткорлар муҳокамасида яхши баҳо олиб, томошабинлар ҳўмига ҳавола этилди.

Асарни истеъдодли ёш режиссёр Рустам Бобохонов саҳналаштирган. Мусиқасини эса илтидорли бастакор Фарход Алимов ёзган.

Дарҳақиқат, драматург Рамз Бобожон жуда тил-



«Юсуф ва Зулайҳо»

Юсуф ва Зулайҳо ҳақидаги афсонани янгича — ҳозирги замон талаб ва эҳтиёжлари нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда талқин этган.

Юсуф ва Зулайҳо ҳақида жуда кўп достонлар, афсоналар битилган. Бу мавзуда кўпгина мутақабил шоирлар калам тебратилган. Шуларнинг ичиде ҳам бадий савияси, ҳам ижод маҳорати жиҳатдан энг кучлиси атоқли ўзбек шоири Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайҳо» достони эди. Бу асар бундан тахминан 600 йил муқаддам (асар туркий тил-

диқатини ўзига жалб этади. Айниқса актёрлар маҳорат билан озиб берган инсонлар орасиданги меҳр-шафқат, олижаноблик, муҳаббат, гўзаллик, ҳаёт лаззати каби тўғулар, ҳозирги кунда айни миллий ҳуружлар авжага чиққан бир пайтда томошабинни эзгуликка чорлашда ахамияти катта.

Шу томоша сабаб ўзбек мусиқали театр санъатида яна бир истеъдод кашф этилди. У бош роллардан бири — Зулайҳо образини яратган ёш ижодкор Зулайҳо Бойхоновдир. Зулайҳо ўз персонажи ҳонишларини (арияларини) катта маҳорат билан ижро этиб, ширали овози борлигини намойиш этди ва мухлислар олқишига сазовор бўлди.

З. Бойхонова персонаж сўзларини фақат ёд олмасдан унинг айтилиш услуби ва тинчи, равои чиқиб томошабинга этиб боришига катта эътибор беради. У саҳнага аниқ мақсад билан чиқадиган ҳамда саҳнадошини тинглай билади. Юз ҳаракатлари, аниққиса персонажининг ички дунёсини, азоб-укубатларини, қувонч-ташвишларини, севган ёрига бўлган муҳаббати чин юракдан эканлигини ёрқин, контраст тўғнашувлар, дуэтлар, диалоглар, монологлар орқали ишонарли ифода этади.

Юсуф ролини ижро этган талантили актёр Ҳамид Тўхтаев ҳақида ҳам илиқ гаплар айтиш мумкин. У Юсуф образини яратиб жараёнда персонажининг ички ва ташқи дунёсини очиб беришга интилади. Унинг ширали овози билан хонишларни маҳорат билан ижро этади.

Илҳом, оризонли кутилган янги Муқимий театри камол томоқда ва халққа мазкур асарлар кўйиб, эл олқишига сазовор бўлмоқда. Ўзлай-мизини жамоа мана шу мақсад йўлидан дадил бориб халқимизни янада яхши томошалари билан хушнуд қилади.

Комил ТУРСУНБОВ,
А. Н. Островский номидаги Тошкент театр ва расом-санъати олийгоҳи театр танқидчилиги бўлимининг талаббиси.

СУРАТЛАРДА: «Юсуф ва Зулайҳо» томошасидан кўринишлар.

С. КАҒАН суратлари.



— Анор ака, суҳбатимизни қўй-қўйлиқ ўйлаб қўйган саволдан бошлаш керак. Кейинги вақтларда Ўзбек мусиқасида миллийлик йўқлиги борлиги, деган гаплари кўп эшитилди. Бу ҳақда сизнинг фикрингиз қандай?

— Миллийлик ҳеч қачон йўқолмайдими. Мана, М. Афшарий номидаги Тошкент Давлат консерваториясида мақом кўлиғи мавжуд. Районларда фольклор ансамблилари ташкил этилган, жумҳурият радиоси қошида, «Шодлик», «Зарафшон» дастлариде мақом жамоалари бор. Тиллаш Ҳўжамбердиев раҳбарлигидаги чолгу дастаси ҳам шулар жумласидандир. Ишончим комилки, жаҳон миқёсидеги йўналишларга солиштирсак, ўзбек миллий кўшиқ ва кўйлари усулларга бой.

— Жумҳурият радиосининг кўшиқ қабул қилувчи бадий кенгашида кўшиқларингизга жўр бўлаётган электр чолгу асбоблари, масалан синтзатор, гитара керакми, деган фикрлар тез-тез билдириляпти.

— Бу асбоблар керакмас, дейишга шоиимаслик керак. Бизга керак эмас деб олиб ташлайдиган бўлса, доира, най, танбур, дутор, рубобгина қолади. Янги йўналишдан бориб, жаҳон халқларининг ютуқларидан ўрганиб, юқори поғоналарга чиқишга ҳаракат қилишимиз лозим.

— Сизнингча ишчи нимадан бошлаш керак?

— Мактабларда ўқувчиларга тўғри таълим-тарбия беришдан. Масалан, қўлоққа тез ўтирадиган кўйлардан сатода «Муस्ताҳод» ни чалиб ёки кассетга ёзилган бирор фонограммани эшиттириб, кейинги дарсга шу фонограмма асосида ўқувчиларнинг ўзлари кўшиқ айтсалар, мақсадга мувофиқ бўлади.

— Гапларингизни эшитганимиз ўқувчилар йилларни, ашула дарслари кўз олдидан бирма-бир ўтати. Очганини айтиш керак, кўпгина мактабларда ашула дарслари номигагина ўтилади.

— Тўғри. Мен айтган тақдирда амалга ошириш учун ўқувчида озгина жонқурлик бўлса

бас. Техника воситалари эса мавжуд. Мактаблар билан радиотелевизион, грампластинга корхонаси шартнома тузса бўлади.

— Пеллагонлар фикрига қараганда боланинг характери беш ёшга киргунча шаклланиб экан. Демак, боланинг нимага қизиқиши, ундаги қўбият қирраларини пайқаб, тўғри йўллама бериш кўп жиҳатдан ота-онага боғлиқ экан.

— Ҳозирги болаларнинг талаб-Бастакор билан суҳбат

ЯХШИ ҚЎШИҚ — ХАЛҚ МУЛКИ

© Бугунги суҳбатдошимиз, Ўзбекистон ССР Телекўрсатуви ва радиоэшитириш Давлат комитетининг жумҳурият радиоси қошидаги эстрада-симфоник оркестри бош дирижёри, бастакор Анор Назаров.

чанлиги кучли. Бизда мавжуд Глёр, Усейский номидаги мусиқа мактабларида ишлаётган ўқитувчилар билан савияси шу болаларнинг талабига жавоб бера оладиган даражада бўлиши шарт. Албатта, сиз айтгандек боладаги истеъдодни ота-оналар ўз вақтида пайқаб эътибор беришга нур устига аъло нур бўлади. Шундай истеъдодли болалардан йигиб алоҳида бир мактаб тузиш керак.

— Халқимиз халқ чолгу оркестри жўр бўлган кўшиқлардан халқ чолгу ансамбли жўр бўлган ашулаларни кўпроқ эъзозлайди. Балки ўзининг оркестр жўрлигидаги кўшиқларни етарли даражада тарғибот қилол-маётганимиз?

— Чет эларда реклама кучли. Кўп нарсалар бизда ёритилмай қолади. Фикримнинг далили, мана яқинда Олмаота шаҳрида урма асбоблар бўйича Ўрта Осий ва Қо-

зогистон халқлари созандаларининг талови бўлиб ўтди. Бу анжуманда Ислом Ганиевнинг икки ўқувчиси нишондор бўлиб қайтди. На устоз, на шоғирлар ҳақида ҳатто биронта хабар берилмади. Халқ чолгу оркестрига келсак, унинг жозибаси мени доимо ўзига жалб қилади. Лекин бир оилада ўн киши яшаса бирига мутақабил, яна бирига эстрада, бошқасига оркестр, тўртинчисига рок кўшиқлари ёқади.

— Билишимча, сизлар ҳам оилада кўпчилик бўлгансизлар. Мусиқага эса фақат сиз ҳавас қўйгансиз...

— Ҳа, оилада тўғиз бола эдим. Паррентинг Толдибулоқ қишлоғида турилганман. 50-йилларда ота-онам Бўнақа кўчиганман. У ерда, мен таълим олган мактабда ўз касбига фидойи ўқитувчилар кўп эди. Шунинг учунми, ҳозирги кунда шу мактабнинг кўпгина битирувчилари халқ хўналингнинг турли соҳаларида хизмат қилишляпти.

— Юқори синфда ўқиб юрган кезларим эстрада оркестри тузгандим. Мусиқага қизиқишим ўшанда бошланган экан. Шу сабаб булиб 1960 йилда шаҳарга келиб Петров номидаги жумҳурият мусиқа мактабига ўқишга кирдим.

— Сиз кўпроқ эстрада мухлис-ларига яхши танишсиз. Қатор кўшиқларингиз — «Дулана», «Ара-

Санъатнинг сеҳрли олами

Она армони

ИНСОН Борки ҳаётда гўзаллик бор. Унинг оддийгина меҳнатқаш кўллари мўъжизалар яратди. Уларнинг энг нафисларини кишилар «санъаткор» яратилган» дея таърифлашади. Ҳа, санъат гўзаллик демакдир. Инсон эса ҳаминша санъат билан бирга.

Сурхондарё вилоятида яшаб ижод қилаётган мусаввир Азамат Ҳотамовнинг пойтахтимиздаги Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейида (музахона) очилган кўргазмаси унинг истеъдодли ижодкор эканлигидан далолат бериб турибди.

Азамат Ҳотамовнинг график асарлари ва ҳайкалларида унинг ўзига хос ижодий услуби, маҳорати, миллийлиги, фалсафий хислатларга бойлиги билан санъат ихлосмандларини ўзига ром этади. Кўргазмада мусаввирнинг 30 дан ортиқ график асарлари ва ҳайкаллари намойиш этилмоқда.

Ҳайкалтарошнинг гипсдан ясалган «Шарқим» деб номланган ҳайкали айниқса киши диққатини ўзига тортади. Унда онанинг боласига алла айтиб, ухлатаётгани тасвирланган. Шарқим... ўзбек халқи азалдан болажон халқ «Дунёда гўдак турилган хонедон борки, беихтиёр Мукаддас бу садо эшитила бошлайди ва бола ҳам, она ҳам табииятнинг ўзи ҳам ширин, осойишта ораулар сукунатига сингиди». Ҳайкалтарош шоир Омон Матқоннинг гўё шу сўзларига атаб ишлагандай ўз асарини.

Оналар борки, ҳаёт бор, дедомийлик бор, оналар борки бу дунё гўзал, инсон-инсонга оқибатли. Мусаввир ҳайкални мутақабил тарзда, аъёнани, қадим-қадимларга бориб тақалладиган даврга хос бўлган ижодий услуб билан, илҳом билан тасвирлаган.

Санъаткорнинг яна бир асари «Кемтик дунё» деб аталган. Номининг ўзбек инсон қалбини тўқинлантириб юборади. Бу асардан кўп маъноларни англаш мумкин. Ҳаётнинг оғир-енгил ташвишлари-ю, машаққатли дәмлари. Ҳар қадамда қийинчилик бор, тўсиқ бор, демак ҳар қадамда кураш бор.

Назм дафтарида

Келаяпсан
тонгни етаклаб

Орзу каби учар юлдузлар,
Йироқларда қолар нурлар.
Сен ҳам юлдуз каби

Қачон яқин келурсан,
Олкс йўллар ташланар
Аста-аста ёришиб осмон.
Шу йўлдан сен тонгни етаклаб

Келаяпсан, балким мен томон.

Ҳосил ишқи

Ариқларни тўлдириб оқар,
Бўтана суви пишиқиб роса.
Кулгудай соф, нур уйнар

Ранги лойқа, оқими асов.
Қувонч элар — баҳор элчиси,
Тик тоғлардан биз сари

Мавжлариде — мўл ҳосил ишқи,
Даваларнинг кўксини ўпар.
Ҳар томонда янграйдим

Ҳар бир юмуш кўрсатар
Қирғоқларни ўпан лойқа суви,
Тупроқ шўрни тезроқ юва қол...

Утан САДИРОВ.

лама», «Кетма вафодор», «Алдама»лар машҳур бўлиб кетди. Шу кўшиқларингизни аввалроқ нега магнит лентасига ёздирмагансиз?

— Асар ёзиш қийин. Уни мутасадди ташкилотларга кўрсатиб маълумлаштириб олиш ундан ҳам мушкул. Турғулик йилларида баъзи раҳбарлар ўз курсисини йўқотишдан қўриқиб, бастакорлик бўйича ҳеч қандай маълумот йўқ, деб фақат бир ёлмага қарашган. Шу раҳбарнинг бирортасига ёзган асаринг

— Сизнинг жумҳурият радиоси қошидаги эстрада-симфоник оркестри раҳбарлиги қилаётганингизга халқ кўп бўлган йўқ. Ҳазрат эстрада нуқратини дунёга таратиш учун ишчи нимадан бошлаш керак деб ўйлайсиз?

— Оркестр ташкил бўлганга 25 йил тўлган бўлса, ҳамон миллий қадрлар етимишмайди. Оркестрда яна 15 та яхши чолғучи керак. Танлов эълон қилганмиз. Лекин ҳозирча муносибларни топганимиз йўқ. Мусиқа маданияти, интернатлари, ўрта махсус билим юртлари шу масалага эътибор беришса яхши бўларди.

— Кейинги пайтларда асосан кўшиқ жағрида ижод қилаёсиз. Кўпгина кўшиқларингиз оммалашиб кетди...

— Ҳар бир шеърдаги маънони мусиқада ифода қилиш натижадан. Уни халққа шундай етказувчи хонанда бўлса, демак яхши кўшиқ дунёга кетди. Унинг муваффақияти битта ижодкорга боғлиқ эмас.

— Шоир ва хонандалардан кимлар билан ҳамкорлик қилгансиз?

— Шоирлардан Анвар Обиджон, Муҳаммад Юсуф, Пулат Мўмин, Барот Исроилов, Шукур Қурбон, Муҳаббат Иброҳимовалар билан бирга кўшиқлар ёздик. Хонандалардан Нуриддин Ҳайдаровга қатор кўшиқлар ёздим. Ёш, умидли ижрочилардан Юлдуз Абдуллаева, Баҳодир Муродовлар ижро этишди кўшиқларини. Ўнди Достон Убайдуллаев, Муҳриддин Холиқов, Юлдуз Усмонова, Абдурауф Олимовлар билан ҳамкорликда янгиларини яратиб ниятман бор. Яна бастакорлар уюшмаси билан биргаликда ижодий кечалар уюштириб етук бастакорлар Эмарк Солиҳов, Икром Акбаров, марҳум Гофид Қодиров, Дадаали Сотқуловлар асарларини телевидение ва радио орқали халққа етказди. Бундан ташқари бастакорлардан Р. Абдуллаев, Н. Норқўжаев, Э. Қаландаров, У. Солиҳов, А. Расуллуев ижодини кенг ёритиб боришни режалаштир-яймиз.

— Сўхбатдош
Муҳайе МИРСАИДОВА.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Бугунги ташвишлар — эртанги аъло баҳоларнинг гарови

Мақтаб ўқувчилари кам-кўйсиз, муваффақиятли ўқиш учун шарикли рўқаддан тортиб микрокалькуляторга — турли-туман буюмлар керак бўлади.

Бирор нарсани унутиб қўймаслик учун ҳамма нарсани олдиндан харид қилиб қўйган яхши. Уғил ва қиз болаларни, уларнинг ота-оналарини «Ташкультторга» дўконларига тақдир қилма. Шу ерда улар мақтаб учун керакли ҳамма нарсаларни: оддий ва қадим дефтерларни, галдоялар ва рўқаларни, қалам ва папкаларни, бошқа ўқу қуролларини сотиб олишлари мумкин.

ДўКОНЛАРИНИ ҚАЕРДА ЖОЙЛАШГАНИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

3-дўкон — Қорақамиш — 2/5 даҳаси, савдо комплекси;
4-дўкон — Қўйлик даҳаси, Куйбишев шох кўчаси, 450;
6-дўкон — Навоий кўчаси, савдо расталари;
8-дўкон — Навоий кўчаси, «Дўстлик» ярмаркаси;
10-дўкон — Жуковский кўчаси, 2;
12-дўкон — Луначарский маркази;
13-дўкон — М. Ҳасанова кўчаси, 4-турар жой шаҳарчаси;
19-дўкон — «Алгоритм» даҳаси.

Дўконлар соат 10 дан 19.00 гача ишляди, таъриф соат 14 дан 15.00 гача. Дам олиш кун — яқшенба.

«Ташкульттор»
«ЗЕНИТ-7» фирмали
«ТЕХНО-САВО» маркази

(Чехов кўчаси, 10, метронинг «Ойбек» станцияси)
ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Уйдан чиқмай шифо топасиз

Агар сизни бош оғрини, остеохондроз, бод касалликлари, уч шохли асаб невралгияси, жароҳ муложалари ёки орқа миёя жараҳатидан кейинги оғриқ безовта қилаётган бўлса

«ЭТНС-100-1», «ЭТНС-100-2» ва «АКСОН-02» оғриқни қолдирувчи транскүтан электростимуляторларни сотиб олинг.

Биологик фаол аъзоларга импульсли электр токи билан таъсир этиб, сиз ҳеч қандай дори-дармонсиз оғриқдан қутуласиз, хотиржам ва тетик бўласиз.

Турли касалликларда таъсир этиш, нуқталари СССР Солиқини сақлаш министрлиги томонидан тасдиқланган қўлланмадаги схемаларда кўрсатилган.

«ЭТНС-100-1»нинг баҳоси 60 сўм, «ЭТНС-100-2»нинг баҳоси 84 сўм, «АКСОН-02»нинг баҳоси 66 сўм. Марказнинг иш вақтини эълитиб ўтатиш: соат 10 дан 19 гача ишляди, таъриф соат 14 дан 15 гача. Дам олиш кун — яқшенба. Телефонлар 54-04-92, 54-26-52.

«Зенит-7» техно-савдо маркази.

«Қалдирғоч» уй қуради

Тошкент уй-қойлар ремоти трести 1-ремонти-қурилиш бошқармаси хузуридаги «Қалдирғоч» («Пасточка») кооператив аҳолидан ХУСУСИЙ УЙЛАР, ЧОРОБ УЙЛАР, ҚУШИМЧА ИМОРАТЛАР, ГАЖАКЛАР қурилишига ва квартираларни ремот қилишга буюртмалар қабул қилади.

Қуйдаги манзилгоҳга мурожаат қилинг: Архитекторлар кўчаси, 63 (27-трамвайнинг «Архитекторлар кўчаси» бекети). Телефон 48-28-06.

«Қалдирғоч» кооператив.

Акмал Икромов райони аҳолиси учун!

Тошкент сут саноати ишлаб чиқариш бирлашмаси хузурида янги 11/3-дўкон очилди. 100 квадрат метрдан иборат савдо майдонига сут-қатқ маҳсулотлари, шунингдек бошқа турли маҳсулотлар билан савдо қилдиган бўлишлар жойлашган. Шу ёрнинг ўзиде, дўкон қошида кафетерий бор. Ташвир буюрғанлар бу ерда шартлар, иссиқ сут, музқаймоқ, қотъял, бутербродлари, ширинликларни истеъмол қилишлари мумкин.

Иш вақти соат 8 дан 20 гача. Дўкон дам олиш кунсиз ишляди.

Дўконнинг манзилгоҳи: Чилонзор даҳаси, 19-кварталнинг қаршида, Катергол кўчасида.

Транспорт: 87, 94-автобусларнинг, 6, 11, 19, 23-троллейбусларнинг «Сут заводи» бекети.

Акмал Икромов район озиқ-овқат савдоси ташкилот.

«Союзреспублика» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон рекламе ишлаб чиқариш корхонаси.



Хайр боғча, салом мактаб!

Шу кунларда боғчалардаги тайёрлов гуруҳлари тарбияланувчилар қадрдон маканлари билан хайрлашиб, мактаб кучоғига йўл олишга тарадада кўрмоқдалар. Жумладан шахримиздаги Р. Иброҳимов номидаги чинни ишлаб чиқариш бирлашмаси 188-болалар боғчасининг тайёрлов гуруҳларида ҳам ушбу тантаналарга бағишланган эрталабки соатлар ўтказилди. Эллинка яқин жажжи болаларнинг кўнглини куйлаб, рақсга тушдилар, шеърлар аёлаб, мактаб мазундаги «Урмондаги сабоқлар», «Алифбо ва она тили» номли пьеса-лардан сакчалар ижро этдилар.

СУРАТЛАРДА: хайрлашуу тантаналардан лавҳалар. Р. АЛБЕКОВ суратлари.



Соғлиқни сақлаш министрлиги огоҳлантиради...

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги экстра-сенслар ва уларнинг фаолиятига муносабатини нихоят аниқлашга қарор қилди. Шу муносабат билан махсус буйруқ чикариди. ЎзТАГ мухбири М. Гарбузенко министрнинг биринчи ўринбосари Ш. КАРИМОВдан ушбу хужжати шарҳлаб беришни илтимос қилди:

— Экстра-сенслар киши руҳига таъсир этувчилар, кўз бойлагилар... Улар кейинги вақтда халқ орасида жуда машҳур бўлиб кетди. Бунинг учун «экстра-сенс» сўзини «шокиралик», «айта қуриш», «Воазор нитисодиёт» сўзлари каби машҳур қилиб юборган оммавий ахборот воситаларидан миннатдор бўлишлари керак. — министрнинг биринчи ўринбосари сўзларини ана шу сўзлардан бошлади.

Афсуски, улар шанига айтилаётган мақтовлар ҳамма вақт ҳам ҳақиқатга тўғри келавермайди. Биз бу хусусда кўплаб хабарлар олиб турибмиз. Мамлакатда амал қилаётган қонунга мувофиқ, олий тиббий маълумотга эга бўлган, диплом олган кишиларгина даволаш ишлари билан шугулланиш ҳуқуқига эгадирлар. Экстра-сенслар орасида, хусусан жумҳуриятимизда бундайлар камчиликни ташкил этади. Одам соғлиғини экстра-сенслиги аниқланмаган, мутахассис бўлмаганларга ишониб топшириш ақлдан эмас, айни вақтда хавфлидир. Бу сохта мўъжизакорлар одамларни шамоллашдан тортиб ишлаб чиқаришга қарай қандай хасталиклардан фориғ қилишга ваъда берадилар. Хасталикдан азоб чеккан беморлар уларнинг ваъдаларига қўйнича ишондилар, улар қўйнича даволашга розилик берадилар, охири-охирида бари бир бизга мурожаат қилишга мажбур бўладилар, бундайларнинг аҳоли кўпчилиги анча

лик қобилияти бўлган кишиларни баҳолайдиган мутахассислар комиссияси тўзилади. Уларга илмий-тадқиқот институтларимизда ўз ўқувларини амалда намойиш этиш имкони берилади. Лекин уларни хусусий ва назоратсиз фаолият кўпроқ қонити-раётганига ўқшайди.

Тўғри, ҳамкорлик намунаси сифатида, афсуски, биттагина мисол келтиришим мумкин. Наманганда томир уриши орқали касалликни аниқлаш соҳасида қобилияти бўлган М. Умаров олимларга ўз хизматида тақдир этди. СССР Фанлар Академияси умумий физика институтининг дистанцион диагностика илмий тадқиқот тўғрисида лабораториясида унинг қобилиятига қизиқиб қолди. Унинг усулини асос учун намуна қилган мутахассислар компьютер ёрдамида томир уриши орқали касалликни аниқлаш қўйлигини яратмоқдалар. Мамлакат Фанлар академияси ана шу ишларга икки миллион сўм пул ажратди. Менимча, бунга фақат табириқлаш керак.

— Шавкат Иброҳимович, экстра-сенсларга поликлиникага нисбатан кўпроқ мурожаат этаётганлигини иноқ қилди бўлмас керак. Табобатимизнинг қонғарсиз аҳоли бунинг сабабларидан бири бўлса керак, шундай эмасми?

— Бу фикрга қўшилмаслик қийин. Бизни ҳам ҳоли-ҳали аҳоли қанотланган-дигани йўқ, бунга мутлақо ҳолис баҳо беришимиз. Ҳақиқатан ҳам муаммолар кўп: моддий-техника базаси мустаҳкам эмас, дори-дармонлар етишмайди...

Беморларда даволаш усулини танлаш имконияти бўлиши керак. Тиббий хиз-

Мухаррир ўринбосари С. Б. ЕҚУБОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

ОТА-ОНАЛАР, ҲУҚУВЧИЛАР ВА 9-СИНФ БИТИРУВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тажриба ўқув-илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси Тошкент Давлат дорилфунунида ўқиш учун кадрлар икки поғонали тайёрлаш системаси бўйича Тошкент шаҳридаги мактабларнинг 9-синф битирувчилари учун қўшимча

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1 поғона бўйича Тошкент Давлат дорилфунунига кириш учун мақсади йўналишида чуқур ўқитилган янги тажриба-дастури асосидаги ўқиш 39-хунар-техника билим юрти қошида олиб борилади. 1 поғонали ўқиш муддати — 2 йил.

Қабул танлов асосида ўтказилади ва кимдан кириш имтиҳони топширилади. Асосий фанлар бўйича ўқитишни Тошкент Давлат дорилфунунининг ўқитувчилари олиб борадилар. Бу гуруҳлардаги битириш имтиҳонлари дорилфунунига кириш имтиҳони бўлиб ҳисобланади.

ТАЙЕРГАРЛИК ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БҮЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ:

1 поғона — кимё анализ лабораторияси.
2 поғона — кимё-технолог.

Ўқишга 9-синф ўзбек ва рус тилларида битирган йилит-қизлар қабул қилинади. Ўқиш даври меҳнат фаолиятига қўшиб ҳисобланади.

1 поғонали ўқиш даврида 36 хунар-техника билим юртида ўқувчилар давлат таъминотида бўладилар. Хужжатлар 25 августга қабул қилинади. Имтиҳон гуруҳлар тўғрисида сўз бошланади.

Кирувчилар қуйидаги хужжатлари топширадилар: 36-хунар-техника билим юрти директори номига ариза, тўлиқсиз ўрта маълумот ҳақидаги гувоҳнома, тиббий маълумотнома (086/У форма), яшаш жойидан маълумотнома, 6 донга 3х4 ҳажмидаги сурат.

Қабул комиссияси қуйидаги манзилда соат 9 дан 17.00 гача ишлайди: Тошкент шаҳри, 1-Тракторсозлар даҳаси (24, 105-автотуралининг сўниги бекати; 6, 13, 22-трамвайларнинг «ТТЗ-4» бекати). Телефон: 64-67-96.

243-ҲУҚАРОЛАР АВИАЦИЯСИГА ҚАРАШЛИ 20-ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1990—1991 ўқув йили учун ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Билим юрти юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш учун

ушбу аппаратларнинг чилангар-гузатувчилари, учувчи аппаратларнинг йиғувчи-чилангарлари, авиационгадиларнинг чилангар-гузатувчилари, авиационгадиларнинг чилангар-йиғувчилари, учувчи аппаратларнинг электрон-тажжирлари ихтисосликлари бўйича 8-синфни битирганларни 3 йил муддат билан, 10-синфни битирганларни 1 йил муддат билан ўқитади.

Билим юртига Тошкент шаҳрида яшовчи, 15 ва ондан катта ешдаги 8—10 синф маълумотига эга бўлган йилит ва қизлар қабул қилинади.

Билим юрти битирганлар 243-ҳуқарола авиацияси заводига ишга юборилади.

3 йил муддат билан ўқитилган ўқувчилар тўлиқ бўлмаган давлат таъминотида бўладилар. 1 йил муддат билан ўқитилган ўқувчилар 30 сўм миқдорда стипендия оладилар. Билим юртида тўғрақлар, отиш спорт секцияси мавжуд.

16 ёшга тўлган ўқувчилар авиация клубига қабул қилинади. Имтиҳонларни аъло баҳолар билан тугатганлар Киев ҳуқарола авиацияси муҳандислари институтига, ҳуқарола авиацияси ҳарбий билим юртига йўланма оладилар.

Билим юртига кириш учун қуйидаги хужжатлар керак: директор номига ариза, тугелганлик тўғрисидаги гувоҳнома, маълумоти тўғрисида шаҳодатнома, ота-онасининг иш жойидан маълумотнома, тиббий маълумотнома (286-форма), яшаш жойидан маълумотнома, 3х4 см. ўлчамли суратлар, характеристика.

Хужжатларни қабул қилиш шабба ва якшанбадан ташқари соат 9 дан 18.00 гача.

Бизнинг манзил: Авиация шаҳарчаси, 243-ҳуқарола авиацияси заводи (25, 66, 61, 40, 161-автотуралининг «Авиация шаҳарчаси» бекати). Телефонлар: 99-94-50, 99-96-93, 99-96-43.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги Х. З. КАЛОНОВ НОМИДАГИ ОЛИИ ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ Янги ахборот технология (ИАТ)лар ва бошқаруви хужжатлар билан таъминлаш (НИТ) соҳаларидаги касбларни

эгаллашни истаган барчага Х. З. Калонов номидаги олий хунар билим юрти педагогик технологияларнинг янги кўришилари тавсия этади.

Олий хунар-билим юрти ўқувчилари ва талабаларга интеграл ва кўптегламалар ўқув планлари, шахсий ўқув ва фаолиятини танлаш, фанлар бўйича ақлий тараққиёт даражасини аниқлаш мақсадида ишлатиладиган стандарт топшириқлар бериш, руҳшунослик-педагогика диагностикаси ва ҳоказолар каби таълимнинг янги системасини тақдир этади.

Олий хунар билим юрти фаолиятининг бош мезони — узлуксиз касб-хунар ва ҳар бир йили — бу эгалланган касб-хунар ва ўз куч-қуввати-ю билимларини халқ хўжалигига тадбиқ этиш учун ишлаб чиқаришга негиз имконияти демакдир. Ҳар бир йил — таълимнинг навбатдаги босқичидан конкурсида иштирок этиш демакдир.

Билим юрти ўз ўқувчилари ва талабаларига ИАТ ва НИТ—ОТ соҳасида ишчида тортиб то муҳандислик малакасига бўлган бир неча ихтисосларни эгаллаш имкониятини яратлади.

ЎҚИШ МУДДАТИ 1 ЙИЛДАН 6 ЙИЛГАЧА. Тошкент шаҳрида пропсада тўғручи, ўрта мактабларнинг 9 ва 11-синфларини битирган шахслар ўқишга қабул қилинади.

ЎҚИШ ЭЪВЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ. Кириш имтиҳонлари ўрнига абитуриентларга фанлар бўйича уларнинг ақлий тараққиёт даражасини аниқлаш мақсадида стандарт топшириқлар берилади ва руҳшунос-лар сўхбатидан ўтиш тавсия этилади.

Хужжатлар 15 августга қабул қилинади. 34-55-73, 34-55-51 телефонлари орқали қўшимча маълумотлар олиш мумкин.

Манзиллари: 700084, Тошкент шаҳри, Хуршид кўчаси, 45-уй (10-к), 44, 56, 85-к), 88, 179-автотуралининг «Семашко номли институт» бекати).

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон ССР халқ таълими Бош бошқармаси 41-ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ «С» тоифасидаги «Ҳайдовчи автокранчи» ихтисоси бўйича ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун кечки пуллик гуруҳга

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ Машғулотлар 1990 йил 1 сентябрдан бошланади. ЎҚИШ МУДДАТИ — 1 ЙИЛ. Совет Армияси сафларида хизматни ўтаб келган йилитлар қабул қилинади.

Билим юрти битиргандан сўнг В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаш истагани билдирганлар имтизони шартларда қабул қилинади.

Ўқиш даври меҳнат фаолиятига қўшиб ҳисобланади. Билим юртига кириш учун қуйидаги хужжатлар талаб этилади: директор номига ариза, паспорт, қарбий билет, маълумоти тўғрисида хужжат, тиббий ҳайдовчилик шаҳодатномаси, 4х5 см. катталидаги 6 та фотосурат.

Манзиллари: 700128, Тошкент шаҳри, Хуршид кўчаси, 83-уй. (44, 48, 97-автотурали; 10-троллейбус; 10, 23, 27-трамвайларнинг «Дабзак» бекати). Телефон: 41-38-22.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ СОЦИАЛ ТАЪМИНОТ ВОШҚАРМАСИНИНГ ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1990—1991 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ Хунар-техника билим юрти қуйидаги мутахассисларни тайёрлайди: радиотелевизион аппаратларни ремонт қилувчи механик, янқа тартибда модели оёқ кийимларини тикувчи косиб, машинасти-секретари, устини қўйлақларни тикувчи чебо, бюджет ташкилотлари сананоида бухгалтерлик ҳисоби бўйича бухгалтер, тикувчи.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 10 ОЙ. Ўқишга ёши 16 дан 45 гача бўлган инваллидлар, шунингдек инваллидларнинг ёши 16 дан 20 гача бўлган фарзандлари ҳамда боқувчисини йўқотган оилаларнинг шу ёшдаги аъзолари қабул қилинади.

Аризаларга қуйидаги хужжатларни қўшиб топшириш лозим: маълумоти ҳақида хужжат, тугеллик гувоҳномаси, турар жойидан саврава, соғлиғи ҳақида саврава 086/У форма (инваллидлар ВТЭН савравага меҳнат тавсимоносини илова қиладилар), олти донга сурат 3х4 см.

ХУЖЖАТЛАР 30 АВГУСТГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. ЎҚИШ 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ. Дарсларни ўзлаштирувчи ўқувчиларга 30 сўм миқдорда стипендия тўланади.

Ўқиш муддати иш стажига кирмайди. Ўқувчилар ётоқхона билан таъмин этилмайди. Манзилҳо: Тошкент шаҳри, Ўқиш кўчаси, Пенёв боши берк кўчаси, 107-к) уй (2, 7, 14, 12-троллейбуслар, 13, 51-автотуралининг «Ўзбекистон» бекати ёки метронинг «Халқлар дўстлиги» станцияси, «Киночилар уйи» ёнида).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИ ПРЕМЬЕРА

19, 25 АВГУСТ СОАТ 19.00 ДА

А. МОЛЬБЕР асар.

А. АБДУЛЛАЕВ таржимаси «Лақма кув»

(2 ПАРДАЛИ КОМЕДИЯ). ҚАТНАШАДИЛАР:

Абдухалил МИГНАРОВ, Мағқуб МАТЧОНОВ, Жўмайдулла РАМЕТОВ, Назира АБДУВОҲИДОВА, Шоҳид УЗОҚОВА, Дилбар ИКРОМОВА, Мадина УСМОНОВА, Гулбаҳор РАҲИМОВА, Тожийов ШУКУРОВ, Фарҳод АБДУЛЛАЕВ ва бошқалар.

Ҳафтада театр кассасида соат 10 дан 19.00 гача сотлади.

Қўпчилик бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинади. Жавоб берувчи телефон: 44-11-70.

13, 14 АВГУСТДА БАДИИЯ ФИЛЬМАР: Санаъат саройи — «ҚАРИНДОШЧИЛИК АЛОҚАЛАРИ», «ҲИМОЯЧИЛАР» (катта зал, 11, 14, 17, 20, 00); «ЕЛҒОН ҚАСАМ» (12, 14, 30, 17, 19, 30).

Чайка — «МИНИЙ ПИЛЛИК» (тоқ соатларда ва 20.45 да).

Москва — «КАТТА САЙР» (11, 20.45); «УРУШ СУҚМОҚЛАРИДА» (13, 15, 17, 00).

Восток — «ҚУЙЛАТГАН ЧИҒАНОҚ» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ШИНА — ЧАНГАЛ-ЗОРЛАР МАЛИКАСИ» (11, 13, 15, 17, 19, 21.00).

ВЛСМ 30 йиллиги — «ҚИЗИЛ ОЛТИ» (жуфт соатларда). К. Ерматов номли — «МАФИЯНИНГ ХОТИНИ» (тоқ соатларда).

Дружба — «МОВИЙ ҚўЛТИҚ» (тоқ ва жуфт соатларда).

Фестиваль (ваги) — «УРУШ СУҚМОҚЛАРИДА» (21.15).

Ўзбекистон ССР Енгил сановат вазирлигининг

ЖУМҲУРИЯТ МОДАЛАР МАРКАЗИ

Модалар театри саҳналаштирувчи-режиссёри

БҮШ ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Режиссура ишида тажрибага эга бўлган олий маълумотли мутахассислар тақдир этилади.

Аризалар 15 августга қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Сапёрлар кўчаси, 25-уй. Маълумотлар қуйидаги телефон орқали олинад:

56-04-19.

«Вечерний (Тошкент)» — орган Таъинотсого горнома Компартии Ўзбекистани ва го. родского Совети народных депутатова.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети напришти. нинг Меҳнат Қияли Вайроқ орденли босмақонаси. Тошкент шаҳри.

МАНЗИЛҲОҚИМАТ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй. ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32.53.76; хатлар — 33.29.70; 32.53.79; жамоатчилик қабулхонаси — 32.55.83.

Яшанбадан ташқари ҳар кунин Ўзбек ва рус тилларида мустанил чиқади.

140.390 кўсаҳа қод этилади. Индекс 64690. Д — 2201. 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.

ТАНИКЛИ ИЖРОЧИЛАР, ЕНГИЛ МУСИҚАНИНГ БАРЧА ЖАНРЛАРИДА ИШЛОВЧИЛАР, КИНО БИРЛАШМАЛАРИ, ТЕАТРАЛАР, ЕШЛАР МАРКАЗЛАРИ, ФИЛАРМОНИЯЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ, ТЕЛЕВИДИЕ ВА РАДИО ЭШИТТИРИШ ЖУМҲУРИЯТ ҚУМИТАЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

Тошкентда Ўзбекистон давлат филармонияси қошида овоз ёзиш профессионал реклама студияси ва ихтам кассетларни кўпайтирувчи

ПУШЕН

СТУДИЯСИ

ИШ БОШЛАДИ

ПУШЕН — бу овоз ёзишнинг энг юқори усқуналари билан жиҳозланган, дунё миқёсидаги энг яхши стандартлар билан беллаша оладиган студиядир.

ПУШЕН — бу ҳамма оркестрларни — симфониядан тортиб то биг-бендгача ва халқ асбобларининг овозларини Сининг қўлинида муҳайё қиладиган семплер техникадир.

ПУШЕН — бу замонавий музиканинг ҳамма нозик турларини рақамли, овоз ёзувчи ва компьютерли техникадир.

ПУШЕН — бу юқори малакали овоз ёзувчи, мослаштирувчи, композицияловчи шахслар ишлайдиган иш жойидир.

ПУШЕН — бу Сининг музиканига жаҳон миқёсидаги стандартга ёниб олибгина қолмай, балки Сининг ижодини Бутуниттифоқ ва халқаро бозорга олиб чиқувчи, Сигага гастроллар уюштиришда, аудио ва видео рекламаларни яратишда қандайдир ёрдам берувчи ташкилотдир.

ПУШЕН — бу бадий, илмий-оммабоп ва мультипликацион фильмларнинг, театр спектаклларнинг, радио-постановкаларнинг яратилишида ва музика ёзиб беришда юқори малакали мутахассисларга эга бўлган студиядир.

ПУШЕН — бу «Юрмала» Бутуниттифоқ танлов ташкилотчиларидан бирдир.

ПУШЕН — бу давлат ташкилотлари, шунингдек шахсий кишилар, гуруҳлар, театрлар ва студиялар учун ишловчи студиядир.

Олдинда ёзилиш ва маълумот олиш учун телефон — 33-32-40.

Манзилмиз: Тошкент шаҳри, Свердлов кўчаси, 26-уй, ПУШЕН студияси.

Тўйлар муборак! Киров номли маданият уйининг тўй тантаналарида маданий хизмат қилишга мослаштирилган репертуарга эга бўлган

«БАХТ» АНСАМБЛИ

Еш келин-куёвларнинг никоҳ тўйларини ўтказишда ХИЗМАТИНГИЗГА ТАЙЕР!

Мурожаат қилиш учун манзил: М. Турғунбоева кўчаси, 40-уй, Киров номли маданият уйи (48-к), 56-автотуралининг «М. Турғунбоева кўчаси» бекати).

Телефонлар: 48-78-53, 34-34-38.

ХИТОВ ХАЛҚ ЖУМҲУРИЯТИ СИНЬЦЗЯН-УЙГУР АВТОНОМ НОҲИЯСИНING ФАН ВА ТЕХНИКА БҮЙИЧА ҚУМИТАСИ

1990 ЙИЛ 17 АВГУСТДАН 22 АВГУСТГАЧА

ХИТОВ ХАЛҚ ЖУМҲУРИЯТИ СИНЬЦЗЯН-УЙГУР АВТОНОМ НОҲИЯСИНING ФАН-ТЕХНИКА ЮТУҚЛАРИ ИҶРААЗМАСИНИ ТОМОША ҚИЛИШГА

ТАКЛИФ ЭТАДИ Кўргамада Сиз Синьцзян-Уйғур автоном ноҳиясининг фан ва техника соҳасидаги сўнги ютуқлари, шунингдек, кенг кўламдаги халқ истеъмол маҳсулотлари билан танишасиз.

Кўргама Тошкент шаҳрида Ўзбекистон ССР Давлат план комитети, Ўзбекистон ССР Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон ССР Фанлар академияси билан биргаликда ўтказилади.

Кўргама манзили: Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 107-уй. Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг 1-навлиси.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 39-11-87, 39-11-88.